



АВГУСТДАН НИМАЛАР ЎЗГАРАДИ?

Расмий
манбаларнинг
хабар беришича,
1 августдан
Ўзбекистонда
қуйидаги янгилик
ва ўзгаришлар кўзда
тутилган:

Суюлтирилган газ биржа
савдосининг янги қоида-
лари жорий этилмоқда.

Автомобилларга ёқилғи
қуйиш ва газ қуйиш шохоб-
чаларига қуйидаги қонда
ва талабларга риоя этиш
бўйича минимал талаблар
тасдиқланди:
– ёнгин ва саноат хавф-
сизлиги;
– экология ва атроф-
муҳитни муҳофаза қилиш;
– технологик жараён-
лар ва ускуналарни тар-
тибга солувчи меъёрий
ҳужжатлар.

Тошкент шаҳри ва ви-
лоятнинг бир қатор туман-
ларида иссиқхоналар учун
газ таъминотида чеклов-
лар ўрнатилмоқда.

Иссиқхоналарга та-
биий газ етказиб бериш
тўлиқ тўхтатилади ва газ
таъминоти ташкилотлари
томонидан мавжуд шарт-
номалар бекор қилинади.

Бизнеснинг барча тек-
стирувлари фақат QR-код
орқали рўйхатдан ўтган
ҳолда ўтказилади.

Текстирувларда иштирок
этувчи ёки тадбиркорлар бил-
ан мулоқотта киришувчи
давлат хизматчиларининг
«Ягона давлат назорати» АТ
мобил иловасидан фойдала-
ниши мажбурий этиб бе-
гиланмоқда, текстирувлар
ўтказиш ҳуқуқини берувчи
қўғоз гувоҳномалар бекор
қилинмоқда.

Автомобилни жарима
майдончасидан QR-код
орқали қайтариш мумкин
бўлади.

Автомобиль олиш учун
рухсатномалар маъмурий
ишни қўриб чиқувчи орган
(ёки мансабдор шахс), шу-
нингдек, ижро этувчи ор-
ган томонидан «Жарима
майдони» электрон тизим-
мидаги QR-код ёрдамида
мажбурий тартибда тас-
диқланади.

Хавфли саноат объект-
ларида қондабузарликлар
ҳақида хабар берган фуқа-
роларни рағбатлантириш
жорий этилади.

Фуқаролар хавфли
ишлаб чиқариш объект-
лари ва техник қурилма-
лардан фойдаланишда
хуқуқбузарликлар ҳақида
хабар беришлари мумкин
бўлади. Қондабузарликлар
ҳақида хабар берганлик
учун жарима суммасининг
20 фоизи тўланади.

Эски автомобилларини
топширганларга компен-
сация тўланади.

«Trade-in» дастури дои-
расида эскирган авто-
транспорт воситаларини
топширган жисмоний ва
юридик шахсларга янги ав-
тотранспорт воситаларини
сотиб олиш учун автокре-
дитлар бўйича фоизлар-
нинг бир қисмини қоплаш
амалиёти жорий этилади.

Ноёб ҳайвонларни ов-
лашга вақтинчалик мора-
торий жорий этилмоқда.

2026 йил 1 августдан
2028 йил 1 январгача Ўзе-
бекистонда камёб ва йўқолиб
кетиш хавфи юқори бўлган
ёввойи ҳайвонларни овлаш
тақиқланади.

YURT TARAQQIYOTI YO‘LIDA
BIRLASHAYLIK!

Ishonch

2026-yil,
1-avgust,
shanba
№94
(5314)

● Gazeta 1991–yil 21–martdan chiqa boshlagan

● O‘zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi nashri

ИТТИФОҚЧИЛИК ВА УМУМИЙ ТАРАҚҚИЁТ САРИ

Чўлпонотада иттифоқчилик муносабатлари мустаҳкамланиб,
минтақавий ҳамкорликнинг янги уфқлари белгиланди

30 июль куни Ўзбекистон
Республикаси Президенти
Шавкат Мирзиёев рафиқаси
ҳамроҳлигида давлат ташрифи
билан Қирғизистонга келди.
Чўлпонота шаҳридаги «Иссиқкўл»
халқаро аэропортида олий
мартабали меҳмонларни
Қирғиз Республикаси Президенти
Садир Жапаров ва унинг
рафиқаси кутиб олди.

Ташрифнинг асосий тадбир-
лари Чингиз Айтматов номи-
даги «Рух Ордо» маданият мар-
казида бўлиб ўтди. Расмий кутиб
олиш маросимидан сўнг давлат раҳ-
барлари тор доирада ва делегация-
лар иштирокида музокаралар ўтказ-
дилар.

Учрашувларда Ўзбекистон ҳамда
Қирғизистон ўртасидаги ҳар томон-
лама стратегик шерикликни янада
ривожлантириш, савдо, саноат,
энергетика, транспорт, қишлоқ хў-
жалиги, фармацевтика ва тўқима-
чилик соҳаларидаги амалий ҳам-
корликни кенгайтириш масалалари
муҳокама қилинди.

Мамлакатларимиз ўртасидаги
ўзаро товар айирбошлаш ҳажми
сўнгги йилларда қарийб ўн бара-
вар ошиб, 1,2 миллиард долларга
етди. 450 та қўшма корхона таш-
кил этилди. Шаҳарлар ўртасида 15
та авиақатнов ва 5 та автобус йўна-
лиши йўлга қўйилди. Энди савдо ҳа-
жмини 3 миллиард долларга етказиш
вазифаси белгиланди.

Музокараларда Қамбарота ГЭС-1
қурилишини амалий босқичга ўтказиш,
амалга оширилаётган страте-
гик лойиҳа – «Хитой – Қирғизистон
– Ўзбекистон» темир йўли бўйлаб
савдо-логистика инфратузилмасини
биргаликда ривожлантириш, савдо
ва транспорт жараёнларига рақамли
ечимларни фаол жорий этиш, авто-
ташувчилар учун кулай шароитлар
яратишга келишиб олинди.

Саммитнинг энг муҳим нати-
жаси – Ўзбекистон ва Қирғизистон
ўртасида Иттифоқчилик муносабат-
лари тўғрисидаги шартноманинг
имзоланиши бўлди. Бу ҳужжат икки
қардош давлат ўртасидаги ҳамкор-
лиқни давлатлараро муносабатлар-
нинг энг юқори даражасига олиб
чиқди.

Шунингдек, давлат чегарасининг



айрим участкалари, «Чашма» бу-
логидан биргаликда фойдаланиш,
ижтимоий сугурта ва пенсия таъми-
ноти, олий таълим кредитларини
ўзаро тан олиш, фуқароларнинг бор-
ди-келдиси, маданият, туризм ва
агросаноат соҳаларига оид қатор
ҳужжатлар қабул қилинди.

Ташриф доирасида давлатимиз
раҳбари Марказий Осиё ва Озар-
байжон давлат раҳбарларининг но-
расмий Маслаҳат учрашувида ҳам
иштирок этди.

Учрашувда минтақа мамлакат-
ларининг барқарор ривожланиши,
иқтисодий тараққиёти, хавфсиз-
лиги ва халқлар фаровонлигини таъ-
минлаш масалалари муҳокама қи-
линди. Савдо-иқтисодий ва транс-
порт боғлиқлигини кучайтириш,
саноат-технологик занжирларни
кенгайтириш, умумий рақамли
хизматлар ва инвестиция платфор-
маларини ишга тушириш бўйича

тактифлар билдирилди.

Президент Шавкат Мирзиёев
биргаликдаги саъй-ҳаракатлар ту-
файли илгари тарқоқ бўлган Марка-
зий Осиё бугун умумий тараққиёт
мақсадлари атрофида жипслаша-
ётганини қайд этар экан, мураккаб
ва олдиндан башорат қилиш қийин
бўлган халқаро вазият минтақа дав-
латларида янада қатъий ҳаракат
қилиш, ўзаро мувофиқлашув ва ҳам-
жиҳатлиқни кучайтиришни талаб
этаётганини алоҳида таъкидлади.

– Биз учун Марказий Осиё, Жа-
нубий Кавказ ва яқин қўшнимиз
– Афғонистонни бирлаштирувчи
ягона тараққиёт маконини шакл-
лантириш борасида тарихий имко-
ният очилмоқда. Ушбу вазиятдан
тўлиқ фойдаланиб, биргаликдаги
саъй-ҳаракатларимиз билан Евро-
осиёнинг қоқ юрагида барқарор
ривожланиш, ўзаро боғлиқлик ва
яхши қўшничилик учун мустаҳкам

пойдевор яратишимиз зарур, – деди
давлатимиз раҳбари.

Саммитда таълим, илм-фан,
сунъий интеллект, энергетика, эко-
логия ва гуманитар алоқаларни ри-
вожлантириш масалаларига ҳам
алоҳида эътибор қаратилди. Учра-
шув якунида Чўлпонота декларация-
си қабул қилинди.

Президентимизнинг Қирғизис-
тонга давлат ташрифи Ўзбекистон
ва Қирғизистон ўртасидаги кўп аср-
лик дўстлиқни иттифоқчилик дара-
жасига олиб чиққан ўта муҳим воқеа
сифатида тарихга муҳрланди. Чўл-
понота Маслаҳат учрашуви эса ушбу
жараён икки томонлама муносабат-
лар доирасидан чиқиб, кенг мин-
тақавий мазмун касб этаётганини
кўрсатди.

Бугун Марказий Осиё давлатлари
ва Озарбайжон умумий тараққиёт
мақсадлари атрофида тобора жипс-
лашмоқда. Қирғизистонда бўлиб

ўтган учрашувлар, қабул қилин-
ган қарорлар ва илгари сурилган
ташаббуслар ўзаро ишонч, яхши
қўшничилик ҳамда муштарак ман-
фаатларга таянган алоқалар изчил
ривожланаётганини яна бир бор
тасдиқлади. Бу эса Осиё марказида
жойлашган қардош мамлакатлар
бугун тарқоқ географик ҳудуддан
ҳамжиҳат, ўзаро боғланган ва кела-
жигини биргаликда бунёд этаётган
ягона тараққиёт маконига айлана-
ётганидан дарак беради.

Ўз мухбиримиз

Ташриф тафсилотлари
билан батафсил
танишиш учун ушбу QR
кодни сканер қилинг:



КЕЧКИ ТАЪЛИМДА
ЎҚИЁТГАН ТАЛАБА ТўЛИҚ
СТАВКАДА ИШЛАШИ
МУМКИНМИ?

Саволга батафсил
жавоб олиш учун
«Ishonch.uz»
сайтига ўтинг:



МАРКАЗИЙ БАНК
«ОМОНАТ ФОИЗЛАРИГА
СОЛИҚ» МАСАЛАСИГА
ОЙДИНЛИК КИРИТДИ


Батафсил маълумот
олиш учун
«Ishonch»нинг Телеграм
каналига ўтинг:



Ўзбекистон касаба
уюшмалари
Федерациясида куну тун
фаолият кўрсатадиган

12 11

рақамли («Ишонч телефони»),
яъни «Call-center»га
мамлакатимизнинг турли
ҳудудларида, олиш ва чекка
қишлоқларида яшаётган
хотин-қизлар ўз муаммолари
бўйича исталган вақтда
мурожаат қилишлари
мумкин.



Спорт

ЭЛДОРБЕКНИНГ НАВБАТДАГИ ҒАЛАБАСИ

АҚШнинг Шимолий Каро-
лина штатидаги Гринсборо
шаҳридаги «Greensboro
Aquatic Center» сув ҳавза-
сида сузиш бўйича нуфузли
«TYR Futures Championships»
халқаро турнири бўлиб ўт-
моқда. Бугун якунига етади-
ган мусобақада мезбонлардан
ташқари қўплаб мамлакат-

лардан ҳам маҳоратли сузув-
чилар иштирок этишяпти.
«Uzbekistan Aquatics» фе-
дерациясининг хабар бери-
шича, турнирда Ўзбекистон
терма жамоаси вакили Эл-
дорбек Усмонов муваффақи-
ятли қатнашди. У 50 метрга
баттерфляй усулида сузиш
баҳсларида 23,90 сония на-

тижа қайд этиб, барча рақи-
бларини ортда қолдирди ва му-
собақанинг олтин медалини
қўлга киритди.

Мазкур ғалаба Элдорбек
Усмоновнинг халқаро май-
дондаги навбатдаги йирик
йутуғи бўлди.

Ўз мухбиримиз

www.ishonch.uz

www://

ishonch1991@yandex.uz



facebook.com/ishonchofficial.uz



https://t.me/ishonchuz_official



Бизнинг асосий камчилигимиз шундаки, биз ишдан кўра кўпроқ муҳокамаларга берилиб кетамиз.

Жавоҳарлаъл Неру

«Аёллар дафтари»ни варақлаганда

ИНСОНГА ИШОНЧ БИЛДИРИЛСА...

Юртимизда инсон қадрини улуғлаш, айниқса, ижтимоий ҳимояга муҳтож, турмушнинг оғир синовларига дуч келган хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш давлат сиёсатининг энг устувор йўналишларидан бирига айланди. Бу йўлда амалга оширилаётган саъй-ҳаракатларнинг энг самарали ва ўзини оқлаган механизми сифатида «Аёллар дафтари» тизими юртимиздаги ҳар бир маҳал- лага кириб борди.

Хар қандай ишнинг пухта ва нати- жали бўлиши, энг аввало, унинг тўғри режалаштирилишига боғ- лик. «Аёллар дафтари»нинг 7-босқи- чига тайёргарлик қўриш мақсадида жорий йил 7 февраль куни ўтказилган кенгайтирилган видеоселектор йиғили- шда келгуси вазифалар аниқ белгилаб берилган эди. Шу асосда февраль ойи- нинг дастлабки ўн кунлиги давомида мамлакатимиз бўйлаб, хусусан, Бухоро вилоятида ҳам ҳар бир хонадонга ки- риб борган ҳолда, кенг қамровли хат- лов жараёни ташкил этилди. Унда 30 ёшдан юқори бўлган, турмушда қий- налаётган, ишсиз ёки соғлиғида муам- моси бор минглаб хотин-қизлар дарди тингланди.

Ўрганишлар шуни кўрсатдики, реал кўмакка муҳтожлар сафи 87 минг 668 на- фарни ташкил этган. Бироқ тизимнинг манзиллилик тамойилига амал қилган ҳолда, улардан ҳақиқатан ҳам жиддий ижтимоий-иқтисодий муаммоси бор 61 минг 870 нафар хотин-қиз «Аёллар даф- тари»нинг 7-босқичига киритилди ва улар билан индивидуал ишлаш бошлаб юборилди.

Жорий йилнинг 20 июль ҳолатига келиб, Бухоро вилоятида рўйхатда тур- ган хотин-қизларнинг нақ 45 минг 215 нафарига ёки қарийб 73,1 фоизига ама- лий ёрдам кўрсатилди. Бу жуда қисқа вақт ичида улкан кўламдаги ишлар ба- жарилганидан далолат беради.

Статистик маълумотларга назар ташланса, энг катта улуш бандликни таъминлашга тўғри келаётганини кўриш мумкин. 16 минг 319 нафар хо- тин-қиз доимий иш билан таъминлан- гани юзлаб оилаларнинг молиявий ахволи яхшилانганидан далолат бе- ради. Бундан ташқари, ўз бизнес го- ясини амалга оширмоқчи бўлган 1 минг 552 нафар хотин-қизга 40 миллиард сўм- дан ортиқ имтиёзли кредитлар ажра-

тилди. Бу пуллар янги тикув цехлари, ҳунармандчилик лойиҳалари ва оила- вий тадбиркорликнинг йўлга қўйили- шига туртки бўлди.

Масалан, Бухоро шаҳридаги «Хавзи нав» маҳалласида истикомат қилувчи Гулчехра Ражабованинг тадбиркорлик йўли кўпчиликка ўрнак бўларли. Ил- гари бор-йўғи битта тикув машинасида ўз фаолиятини бошлаган қаҳрамонимиз бугун «Микрокредитбанк»дан 50 мил-

«Аёллар дафтари» доирасида моддий жиҳатдан оғир аҳволда қолган қатламнинг янаш шароитини яхшилашга ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Жумладан, уй- жойга муҳтож бўлган 2 нафар хотин-қиз бошпанали бўлди, 19 нафарига жами 15 миллион сўмлик ижара компенсация тўловлари қоплаб берилди. Яна 166 нафар аёлнинг яроқсиз ҳолга келиб қолган уй-жойлари қайта таъмирланиб, бунинг учун 722 миллион сўм маблағ сарфланди. Бундан ташқари, олий таълимда тахсил олаётган эҳтиёжманд қизлардан 2 нафарининг 5 миллион сўмлик контракт пуллари тўлаб берилди.

лион сўм миқдориди имтиёзли кредит олиб, ўз бизнесини кенгайтирди. Нати- жада нафақат ўзининг, балки яна 5 на- фар маҳалладош хотин-қизнинг дои- мий бандлигини таъминлади.

– Тўғриси, биргина тикув машинаси билан иш бошлаганимда келгусида бун- дай натижаларга эришишга ишон- маган эдим, – дейди Гулчехра Ража- бова. – Аммо «Аёллар дафтари» орқали кўрсатилган амалий кўмак ва ажратил- ган имтиёзли кредит ҳаётимни тубдан ўзгартириб юборди. Давлатимиз яра- тиб берган бундай кенг имкониятлар ҳар бир инсонга қанот бағишлаб, ўз ку- чига бўлган ишончини юз чандон оширар

экан.

Кишиларнинг ижтимоий ҳимояси фақатгина пул ёки иш билан чекланиб қолмайди. Зеро, инсон учун саломат- ликдан муҳим нараса йўқ. «Аёллар даф- тари» доирасида 2 минг 837 нафар хо- тин-қизга амбулатор-стационар ёрдам берилган бўлса, оғир хасталикка чалин- ган 32 нафар аёлда мураккаб жарроҳлик амалиётлари ўтказилиб, уларнинг со- лиғи тикланди.

– Қўп йиллардан буён бурун тўсиғи қийишқилиги сабабли нафас олишга қийналиб, доимий бош оғриғи ва ҳол- сизликдан азият чекиб келардим, – дей- ди қоровулбозорлик Нордона Султонова. – «Аёллар дафтари» тизими шарофати билан Бухоро вилояти кўп тармоқли тиббиёт марказида мураккаб жарроҳ- лик операцияси бепул қилинди. Давла- тимизнинг бундай юксак ғамхўрлиги сабабли йиллар да- вомида мени қий- наб келган дарддан буткул қутулдим. Ҳаммадан чексиз миннатдорман.

Хуқуқий ва пси- хологик кўмак аёл- ларнинг жамият- даги ўрнини мус- таҳкамлашда муҳим қадам ҳисоблана- ди. Жамиятда ўз ҳақ-хуққини бил- масдан турли муам- моларга дуч кела- ётган 14 минг 793

нафар хотин-қизга адлия, прокуратура ва ички ишлар органлари вакиллари то- монидан малакали хуқуқий ёрдам кўр- сатилди. Шу билан бирга, руҳий босим, оилавий келишмовчиликлардан қийнал- ган 9 минг 495 нафар аёлга профессионал психологик кўмак берилди.

«Аёллар дафтари» доирасида мод- дий жиҳатдан оғир аҳволда қолган қат- ламнинг шароитини яхшилашга ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Жумла- дан, уй-жойга муҳтож бўлган 2 нафар хо- тин-қиз бошпанали бўлди, 19 нафарига жами 15 миллион сўмлик ижара ком- пенсация тўловлари қоплаб берилди. Яна 166 нафар аёлнинг яроқсиз ҳолга ке-

либ қолган уй-жойлари қайта таъмир- ланиб, бунинг учун 722 миллион сўм маблағ сарфланди. Бундан ташқари, олий таълимда тахсил олаётган эҳтиё- жманд қизлардан 2 нафарининг 5 мил- лион сўмлик контракт пуллари тўлаб бе- рилди.

Бугунги кунда аёлларни фақат мод- дий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш камлик қилади. Уларнинг маънавий дунёсини бойитиш, руҳий хордиқ чиқаришини таъминлаш ҳам муҳим вазифалардан бири. Шу мақсадда дафтар доирасида 3 мингдан ортиқ хотин-қиз маданий-маъ- рифий тадбирларга жалб этилди. Хусу- сан, 122 нафар хотин-қиз учун махсус се- минарлар ташкил этилди. Шунингдек, 2 минг 463 нафар аёл учун юртимиздаги тарихий шахарларга саёҳатлар уюшти- рилди.

Албатта, бундай улкан ишларнинг ортида кучли ташкилотчилик ва қатъий назорат турибди. Ҳар бир ҳудудда ишларнинг ўз вақтида шаффоф ва ман- зилли бажарилишини таъминлаш учун Ўзбекистон касаба уюшмалари Федера- цияси масъул раҳбарларни бириктир- ган ҳолда махсус штаблар фаолиятини йўлга қўйган.

Бухоро вилояти штабига Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Рес- публика кенгаши раиси ўринбосари Шавкат Жавлонов ва Ўзбекистон ка- саба уюшмалари Федерациясининг Бу- хоро вилояти кенгаши раиси Муҳам- мадқосим Олимов бошчилик қил- моқда. Вилоятдаги ҳар бир туман ва шаҳарга республика ва вилоят дара- жасидаги тажрибали касаба уюшмаси раҳбарлари, мутахассислар бирикти- рилган. Маҳаллий ҳокимият ва жа- моат ташкилотлари билан ҳамкор- ликда олиб борилаётган мазкур ти- зимли ёндашув ҳар бир муаммонинг эътибордан четда қолмаслигини кафо- латламақда.

Бир сўз билан айтганда, вилоятлар ва маҳаллалар кесимида олиб борилаётган бундай кенг қўламли саъй-ҳаракатлар жа- миятда адолат ва инсонпарварлик тамо- йилларини янада мустаҳкамлаб, эртанги кунга бўлган ишончни оширмоқда.

Дилдора ИБРОҲИМОВА «ISHONCH»

Фаолият

ҲУҚУҚ ВА МАНФААТЛАР ҲИМОЯСИДА: РАҚАМЛАР НИМА ДЕЙДИ?

Меҳнат ҳуқуқига бўлган эътибор иш жойида билинади. Ходимнинг хавф- сиз шарт-шароитларда меҳнат қи- лиши, қонуний ҳақ-хуқуқлари таъ- минланиши корхонадаги тартиб ҳамда назоратнинг қай даражада ишлашига боғлиқ.

Касаба уюшмалари меҳнат инспек- торлари ҳар чоракда ўтказадиган жамоатчилик назорати ана шу ҳо- латларга холис баҳо беради. 2026 йил- нинг биринчи ярмида республика бў- йича 1068 та ташкилотда меҳнат қонун- чилиги ва хавфсизлик талабларига риоя этилиши ўрганилди. Шундан 30 та назо- рат тадбири Давлат меҳнат инспекция- си, 4 таси прокуратура органлари, 36 таси эса бошқа идоралар билан ҳамкор- ликда амалга оширилди.

Назорат жараёнларида жами 6 минг 853 та қонунобузилиш ва камчилик аниқланди. Қўрилган чоралар нати- жасида уларнинг 78,5 фоизи бартараф этилди, иш берувчиларга 707 та кўр- сатма киритилди.

Энг муҳим натижа 63 минг 735 на- фар ходимнинг бузилган меҳнат ҳуқуқи тикланганидир. Иш берувчи- лардан ундирилган ёки камчилик- ларни бартараф этиш учун сарфлан- ган маблағ 16 миллиард 362 миллион сўмни ташкил этди.

Маблағларнинг асосий қисми ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар оқи- батиди етказилган зарарларни қоплаш, ходимларни шахсий ҳимоя ва гигиена воситалари билан таъминлаш, иш ўрин- ларини аттестациядан ўтказиш, шу- нингдек, иш вақти, дам олиш вақти ва меҳнат таътилларига оид қонун талаб- ларини таъминлашга йўналтирилди.

Соғлиқни сақлаш тизимида меҳнат инспекторлари кўмағида ундирилган маблағ 5,5 миллиард сўмга етди. Бу тар- моқлар орасидаги энг юқори кўрсаткич бўлиб, соҳада ходимлар сони кўплиги, меҳнат шароитлари ва ижтимоий кафо- латларга доир масалалар алоҳида эъти- бор талаб қилишини кўрсатади.

Хусусан, Гулширин Муҳанова Қо- рақалпоғистон Республикаси Тўртқўл тиббиёт техникумида кадрлар бўлими инспектори лавозимида ишлаб келган. Меҳнат ҳуқуқлари бузилгани сабабли у бир қатор давлат ташкилотларига муро- жаат қилган. Бироқ мурожаатлари қо- нун талаблари асосида холис ва тўлиқ ўрганилмаган.

Шундан сўнг фуқаро Ўзбекистон ка-

саба уюшмалари Федерациясига ёр- дам сўраб мурожаат қилган. Федера- циянинг Қорақалпоғистон кенгаши меҳнат ҳуқуқ инспектори Махсат Пур- ханов мурожаатни ҳар томонлама ўр- ганиб, ходимнинг қонуний манфаатла- рини ҳимоя қилиш чораларини кўрди. Натижада фуқаролик ишлари бўйича Беруний туманлараро судининг 2026 йил 16 июлдаги ҳал қилув қарори бил- ан Гулширин Муҳанованинг бузилган меҳнат ҳуқуқлари тикланди.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Фе- дерациясининг Қорақалпоғистон кен- гаши меҳнат ҳуқуқ инспектори саъй-ҳа- ракатлари натижасида «Қорақалпоқ дон маҳсулотлари» акциядорлик жамияти ишчи-ходимларига тўланмай келинган 528 миллион 37 минг 145 сўм иш ҳақи фуқаролик ишлари бўйича Нукус туман- лараро судининг ҳал қилув қарори асо- сида ундириб берилди.

Бухоро вилоятида ўтказилган жа- матчилик назорати жараёнида эса «Олот» АБМК ходимларининг иш берувчи хат- ти-ҳаракатларидан норози бўлиб бил- дирган шикоятлари ўрганилди. Нати- жада ходимларга кўп йиллик меҳнати учун белгиланган устамалар тўланма- гани аниқланди.

Мазкур меҳнат низоси юзасидан ви- лоят кенгаши томонидан судга даъво аризаси киритилди. Фуқаролик ишлари

бўйича Бухоро туманлараро судининг ҳал қилув қарорларига асосан, дастлаб 29 нафар ходим фойдасига 157 миллион сўм, кейинги давр учун эса 380 миллион сўм – жами 537 миллион сўм ундири- лиши белгиланди.

Ҳисобот даврида фуқаролардан ке- либ тушган мурожаатларни кўриб чиқиш натижасида 8 минг 619 нафар ходимнинг меҳнат ҳуқуқи тикланиб, улар фойдасига 20 миллиард 126 мил- лион сўм маблағ ундирилди. Жумладан, 2026 йил 16 март куни Ўзбекистон ка- саба уюшмалари Федерациясига Н. Ота- мурадов ва М. Уманов мурожаат қилиб, ноҳақ ишдан бўшатилгани ҳамда бузил- ган меҳнат ҳуқуқларини тиклашда ама- лий ёрдам сўрадилар.

Ўрганиш давомида улар Кишлоқ хў- жалиги вазирлиги хузуридаги Ветери- нария ва чорвачиликни ривожланти- риш қўмитасининг Давлат ветеринария бошқармасида бош мутахассис лавози- мида ишлагани аниқланди.

Ходимларнинг қонуний манфаатла- рини ҳимоя қилиш мақсадида фуқаро- лик ишлари бўйича Учтепа туманлар- аро судига даъво аризаси киритилди. Суд даъвои қаноатлантириб, иш бе- рувчилардан мажбурий проғул даври учун Н. Отамурадов фойдасига 189 миллион 666 минг 829 сўм, М. Уманов фойдасига эса 73 миллион сўм иш ҳақи ундириш

ҳақида қарор қабул қилди.

Умуман, ўтган олти ойда меҳнат инс- пекторлари ишчи-ходимларнинг қону- ний манфаатларини ҳимоя қилиш мақ- садида судларга киритган даъво ари- залари натижасида 4 минг 605 нафар ходимнинг меҳнат ҳуқуқи тикланди. Иш берувчилардан улар фойдасига 9 миллиард 724 миллион сўм маблағ ун- дирилди.

Ҳар қандай меҳнат жараёни хавф-хат- тардан холи эмас. Хавфсиз иш шари- оитини яратиш, эҳтимолий таҳдидларни олдиндан аниқлаш ва бахтсиз ҳодиса- ларнинг олдини олиш иш берувчининг вевосити мажбуриятидир.

Афсуски, йилнинг биринчи ярмида меҳнат жамоаларида 136 та бахтсиз ҳо- диса содир бўлди. Бу кўрсаткич жамо- атчилик назорати кенг қамровда олиб борилаётганга қарамай, айрим кор- хона ва ташкилотларда инсон ҳаёти ҳамда соғлиғига таҳдид солувчи омил- лар сақланиб қолаётганини кўрсатади. Шу боис меҳнат хавфсизлигини таъ- минлаш чораларини янада кучайти- риш зарур. Айниқса, хавфи юқори объ- ектларда профилактик ўрганишларни мунтазам ўтказиш, аниқланган кам- чиликларни қисқа муддатда бартар- аф этиш, ходимларни сифатли ҳимоя воситалари билан таъминлаш ва иш берувчиларнинг шахсий жавобгарли- гини ошириш устувор вазифага айла- ниши зарур.

2026 йилнинг биринчи ярми якун- лари касаба уюшмалари меҳнат инспек- цияси томонидан кенг қўламли ишлар амалга оширилганини кўрсатмоқда. Қар- ийб ярим миллион нафар ходимнинг меҳнат шароитлари назоратга олинди. Корхона ва ташкилотларда аниқланган камчиликларнинг 78,5 фоизи бартараф этилди, 76 минг нафардан зиёд ходим- нинг бузилган ҳуқуқлари тикланди. Иш берувчилардан ундирилган ёки камчи- ликларни бартараф этишга йўналти- рилган маблағлар ҳажми 46 миллиард сўмдан ошди.

Бироқ меҳнат инспекцияси фаоли- ти самараси текширувлар сони ёки ун- дирилган маблағлар билангина ўлчан- майди. Энг муҳим натижа – иш жойида инсон ҳаёти ва қадр устуворлигига эришиш, ходимнинг бузилган ҳуқуқини тиклашга эҳтиёж қолмайдиган меҳнат муҳитини шакллантиришдир.

Қобилжон ҚИРҒИЗАЛИЕВ, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси раиси ўринбосари, Меҳнат инспекцияси бошлиғи

Тадбир



ЁШЛАР БИЛАН МУЛОҚОТ

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Сирдарё вилояти кенгашида «Пайшанба – ёшлар куни» муносабати билан раҳбар ва ёшлар учрашуви бўлиб ўтди.

Тадбирга Сирдарё вилояти болалар ташкилотининг етакчи сардорлари, барча туман ва шаҳарлардан фаол ёшлар ҳамда Боёвут туманида хусусий «Иброт фарзандлари» ўқув мар- казининг иқтидорли ўқувчи- лари таклиф этилди.

Мулоқот давомида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси- нинг Сирдарё вилояти кенгаши раиси Рустамбек Турсунмурадов ўз тажрибалари, касбий фаолият йўлидан келиб чиқиб, ёшлар кела- жакда етук мутахассис бўлиб ети- шишлари ва мамлакат ривожига ҳисса қўишлари учун чуқур билим олиш, китобга меҳр қўйиш муҳимлигини таъкидлади.

Учрашувнинг энг таъсирли қисми вилоятимизнинг мато- натли ва продали хотин-қизла- ридан бирининг ҳаёт йўли ҳақи- даги лавҳа бўлди. Турмуш ўртоғи вафот этгач, 3 нафар фарзанди бил- лан ёлғиз қолган олдий қишлоқ аёли Хуршида Ўгамбердиева ҳаёт қийинчиликларига таслим бўл- мади. У мустақил равишда инглиз тилини пухта ўрганиб, бугунги кунда 500 нафардан ортиқ ўқув- чига инглиз ва корей тилларидан сабоқ бериб келмоқда. Хуршида Ўгамбердиеванинг меҳнатлари давлатимиз томонидан эътироф этилиб, 2024 йили «Шўҳрат» ме-

Дилнавоз САИДОВА, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Сирдарё вилояти кенгаши раисининг ёшлар масалалари бўйича маслаҳатчиси

Ёшлар овози

ЁШ ТИББИЁТЧИЛАР БИЛАН ОЧИҚ МУЛОҚОТ

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Қашқа- дарё вилояти кенгашида соғлиқни сақлаш тизимида фаолият юритаётган ёш тиббиёт ходимлари иштирокида «Раҳбар ва ёшлар» очиқ мулоқоти ташкил этилди.

Унда ёш мутахассисларнинг меҳнат ҳуқуқлари ва ижти- моий ҳимоясини таъмин- лаш, уларни қўллаб-қувватлаш- нинг амалий механизмлари, шунингдек, соғлиқни сақлаш ти- зимида амалга оширилаётган ис- лохотлар ҳамда ёшлар учун яра- тилаётган имкониятлар хусусида атрофлича фикр алмашилди.

Тадбир давомида касаба уюш- маларининг ходимлар манфаат- ларини ҳимоя қилишдаги ўрни, меҳнат муносабатларида ҳуқуқий кафолатларни таъминлаш, ижти- моий ҳимоя чоралари ва касбий фаолиятни рағбатлантиришга ка- ратилган ишлар ҳақида батафсил маълумотлар берилди. Шунинг- дек, иштирокчилар ўзларини қи- зиктирган саволларга мутахассис- лардан жавоблар олишди.

Севара ИСМОИЛОВА, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Қашқадарё вилояти кенгаши раисининг ёшлар масалалари бўйича маслаҳатчиси

Бошлангич касаба уюшмаларида

ТАЗЧИЛАР ҲАМИША ЭЪТИБОРДА

1052 нафар ходим ишлаётган «Худудгаз Сурхондарё» ГТФ бошлангич касаба уюшмаси қўмитаси томонидан ходимлар ҳар томонлама кадрлибни, уларнинг ижтимоий-ҳуқуқий ман- фаатлари самарали таъминланмоқда.

Жорий йилнинг би- ринчи ярмида жамоа шартномасига асо- сан 21 нафар ҳамкасбимиз ва уларнинг оила аъзоларига са- ломатликларини мустаҳкам- лаш учун санаторийларга имтиёзли йўлланмалар ажра- тилди. Корхона ва бошлангич касаба уюшмаси бадаллари ҳисобидан 22 нафар ходимга соғлиқларини тиклаш ҳамда мураккаб жарроҳлик ама- лиётини ўтказиш учун мод- дий ёрдам берилди. Бундан ташқари, турли байрам тад- бирларида уларга 350 мил- лион сўмлик мукофот пул- лари, устама маблағлари ва эсдалик совғалари улашилди.

«Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қил!» дастури асосида 53 на- фар ишчи-ходим, 50 нафар факхий, 60 нафар ёшларимиз

Али ҚОБИЛОВ, «Худудгаз Сурхондарё» ГТФ бошлангич касаба уюшмаси қўмитаси раиси

Ўйларинг сўзларингда, сўзларинг феълингда, феълинг тақдирингда акс этади. Гўзал ўйла, гўзал яша.

Жалолиддин Румий

Сўнгги пайтларда ижтимоий тармоқларда коррупция ҳақидаги хабарларни кўп ўқиямиз. Деярли ҳар куни қайсидир соҳада пора, мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш ёки бюджет маблағини талон-торож қилиш билан боғлиқ ҳолатлар ошкор этилмоқда. Демак, мамлакатимизда бу ба­лога қарши кескин кураш олиб борилаётгани рост. Аммо...



Жамоатчилик бундай хабарларга кўникиб ҳам қолди. Айнан шуниси хавотирли. Зеро, ҳар бир ўзлаштирилган сўм – халқники. Бу мактаб, шифохона, йўл, ичимлик суви ёки ижтимоий ҳимояга муҳтож инсоннинг ҳақидир.

Бош прокуратура ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти маълумотига кўра, «Худудгазтаъминот» акциядорлик жамияти ва «ТехпораГК» масъулияти чекланган жамиятининг айрим масъул шахслари электрон газ ҳисоблагичларига техник хизмат кўрсатиш билан боғлиқ ишлар жараёнида 19,9 миллиард сўм бюджет маблағини ўзлаштириш ёки растрата

йўли билан талон-торож қилганликда гумон қилинмоқда. Шунингдек, 273 та газ ҳисоблагичи истеъмол ҳажмини кам кўрсатгани оқибатида давлат ман­фаатларига 861,1 миллион сўм зарар етказилгани айтилмоқда.

Ҳозирча бу – терговга қадар текши­рув натижалари, холос. Албатта, ким­нинг айби қай даражада экани қонуний тартибда аниқланади. Аммо эълон қилинган рақамларнинг ўзиёқ жамоатчи­ликни ҳушёр тортириши керак.

Қарийб 20 миллиард сўм бир кунда ёки бир кишининг хоҳиши билан сарф­ла­ниб кетадиган маблағ эмас. Техник хизмат ҳақиқатан бажарилганми, унинг ҳажми ва нархи ким томонидан текши-

рилган, ҳисоботларни ким қабул қилган, тўловларга ким рухсат берган? Демак, маблағ шунча босқичдан осонгина ўтган бўлса, қаердадир назорат суст­лашган.

Бугун давлат ташкилотла­рида ички аудит, ком­плаенс назорати ва рақамли монито­ринг тизимлари жорий этилган. Уларнинг вази­фаси қонунбузи­лиш содир бўлгач, ҳисобот тайёр­лаш билан чеклан­майди. Асосий мақ­сад – шубҳали опе­рацияни олдиндан кўра билиш, ман­фаат­лар тўқнашувини аниқлаш ва бюджет маблағларининг асоссиз сарфланишига йўл қўймаслик. Модомки, назорат фақат қоғозларда акс этаётган бўлса, энг замонавий компла­енс дастури ҳам иш бермайди.

Газ ҳисоблагичига оддий қурилма си­фатида қаралмаслиги керак. У истеъмол қилинган ресурс ҳажмини белгилайди, фуқаро тўлайдиган маблағни ҳисоблайди ва давлат билан истеъмолчи ўртасидаги молиявий муносабатга асос бўлади.

Ҳисоблагичдаги носозлик ёки унинг маълумотларига аралашув бир томон учун асоссиз қарз, иккинчи томон учун эса ҳисобга олинмаган истеъмолни кел-

Уйғоқ ўй

тириб чиқариши мумкин. Қолаверса, гап миллионлаб истеъмолчиларнинг ишончи ҳақида ҳам борапти.

Бош прокуратура маълумотида муаммо 273 та ҳисоблагичга боғланган. Табиийки, бу рақам аниқланган ҳолатни­гина акс эттиради, холос. Муаммонинг тизимли экани аниқланса, бутун мам­лакат бўйлаб техник аудит ўтказиш, ҳисоблагичларни мустақил эксперти­задан ўтказиш ва назорат механизмла­рини қайта қўриб чиқиш керакдир? Чунки охирги пайтларда газ ҳисобла­гичлари бўйича аҳолидан кўплаб шикоятлар келиб тушмоқда.

Шундай экан, нега ички аудит хавфни олдинроқ кўрмади, нима учун комплаенс хизмати суқут сақлаган, қоғозда бажарилган ишлар амалда тек­ширилмаган, деган саволларга жавоб изламасақ, сабаблар қолиб, оқибатлар билан курашаверсак, коррупцион хо­латлар тақрорланаверади.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев ижро ҳокимияти билан ўтказилаётган

Қарийб 20 миллиард сўм бир кунда ёки бир кишининг хоҳиши билан сарфланиб кетадиган маблағ эмас. Техник хизмат ҳақиқатан бажарилганми, унинг ҳажми ва нархи ким томонидан текширилган, ҳисоботларни ким қабул қилган, тўловларга ким рухсат берган? Демак, маблағ шунча босқичдан осонгина ўтган бўлса, қаердадир назорат сустлашган.

ҳар бир йиғилишда коррупцияни ислохотлар кушандаси, қонун устувор­лиги ва жамият ишончига раҳна со­лувчи хавф сифатида баҳолаётгани бе­жиз эмас. Давлатимиз раҳбарининг ушбу даъвати ҳар бир раҳбар учун кун­далик фаолиятнинг олтин қоида­сига айланиши зарур. Бюджет маблағи – халқнинг пули. Уни талон-торож қи­лиш яхшиликка олиб келмайди. У одам­ларнинг ислохотларга, қонунга ва дав­лат идораларига бўлган ишончини емиради.

Вломжон МИРАҲМЕДОВ
«ISHONCH»

«Ishonch» саволи

Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги ва Самарқанд вилояти ҳокимлигига!

ПРЕЗИДЕНТ ТАШАББУСЛАРИ ҚОРАСУВДА ҚАНДАЙ ИЖРО ЭТИЛМОҚДА?



Самарқанднинг Қорасув мавзеси ҳақида эшитмаган одам кам бўлса керак. Расмий чиқишларда у «замонавий шаҳарсозлик намунаси», «келажак шаҳри», «янги Ўзбекистон тимсоли» си­фатида тилга олинади. Ростан ҳам кечагина қакроқ ерлар ўрнида осмонўпар бинолар қад кўтарди. Қурилиш суръатига қарасангиз, гўё вақт билан пойга кетаётгандек.



Аммо бу ерда фақат бинолар қад ростлаганми ё одамлар ҳам яшайдими, деган савол юракни эзади.

Аҳоли мурожаатига кўра, Қорасув-2 массивидаги 219-, 220- ва 221-уйлар атрофини кўздан кечирдик. Манзара ҳайратланарли. 16 қаватли бинолар шундай зич жойлаштирилганки, қўш­нининг деразасида қайнаётган чой бугини ҳам кўриш мумкин. Ачинарлиси, болакайларнинг ўйнаши учун бир қарич майдон ажратилмаган.

«Инсон манфаати» деган тушунчани ҳар бир ислохотнинг бош мезони деб биламиз. Қорасувда эса «квадрат метр манфа­ати» устун келганга ўхшайди. Ўнлаб уйлар ҳудудида шу аҳвол. Айниқса, янги қуриб битказилган 219- ва 220-уйлар орасида на болалар майдончаси бор, на кексалар дам оладиган айвонча, на бир туп дарахт экиш учун муносиб жой...

Яна бир ажабланарли ҳолат. Ҳар бири 104 хонадондан иборат бўл­ган 16 қаватли ушбу уйларнинг чиқиш эшиги рўпарасида (20-30 метр масофада) юқори кучланишли электр подстанцияси ўрнатилган. Ҳо­латни кўриб, лойиҳани тасдиқлаган комиссия аъзолари бу масофани бирор марта пиёда босиб ўтишганми ёки чизмада ҳаммаси чиройли кўрингани учун амалдаги ҳолатта қўз юмилганми, айнан болалар тав­жум бўладиган супада хавфли подстанцияни ўрнатишга қайси юрак билан рухсат берилган, деган саволлар оғушида қоласиз.

Уйлар ҳали топширилмаган. Эрта-индин юзлаб оилалар кўчиб келади. Уларнинг фарзандлари қаерда тўп тепади? Онахонлар қа­ерда тин олади? Мамлакатимизда «Яшил макон» умуммиллий ҳа­ра­кати амалга оширилаётган бир вақтда, Қорасув-2 массивида яшил ҳудудлар бир четда қолиб, бетон деворларга меҳр бериляпти.

Фожиали томони шундаки, бугунги хато учун эртага минглаб одамлар бадал тўлайди. Шаҳарсозликдаги бундай нуқсонларни бартараф этадиган идоралар қаерга қараяпти?

Нурилла ШАМСИЕВ
«ISHONCH»

КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШДА ЯНГИ БОСҚИЧ

Коррупция – жамият та­ракқиётини секинлаштири­дан, давлатга ва келажакка бўлган ишончни сусайтира­диган оғир иллат. Шу боис мамлакатимизда унга қарши кураш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан би­рига айланган.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, кор­рупцияга йўл қўйиш – ислохот­ларга хиёнат. 2026 йилнинг бу борада «фавқулудда ҳолат» йили деб белгиланиши ҳам ҳар бир соҳада ҳалоллик, очиқлик ва шахсий масъулиятни кучай­тиришни талаб этмоқда.

Хусусан, «Ўзэнергосетиш» АЖда «коррупциядан холи соҳа» тамойили асосида янги назорат механизмлари жорий қилинди. Манфаатлар тўқна­шувининг олдини олиш, қо­нунбузилиш учун жазо мука­р­рарлигини таъминлаш, муро­жаатларни тезкор ўрганиш, «Ишонч телефони» ва рақамли платформалар орқали хабар



бериш имкониятлари кенгай­тирилди. Давлат харидлари электрон шаклга ўтказилиб, шартнома ва тендер жараёнла­рининг очиқлиги оширилди.

Бироқ энг кучли назорат – ин­соннинг виждони. Ҳар бир раҳ­бар ва ходим ҳалоллиқни кунда­лик иш мезонига айлантирмаса, замонавий технология ва назо-

рат тизимлари қутилган сама­рани бермайди. Шунинг учун хо­димларнинг ҳуқуқий мадания­тини ошириш, коррупциянинг ҳар қандай кўринишига муро-

Жаҳонгир ОБИДЖОНОВ,
«Ўзэнергосетиш» АЖ
бошқаруви раиси

Давлат бошқарувида очиқлик ва шаффофлик – жамоатчилик ишон­чининг асосий мезони. Айниқса, маҳаллий ҳокимликлар қабул қи­лаётган қарор ва фармойишлар­нинг ошкор этилиши фуқароларга бюджет маблағлари қаерга ва қан­дай сарфланаётганини кузатиш имконини беради. Бироқ мавжуд вазият аҳолида жиддий савол­ларни келтириб чиқаряпти.

Жорий йилнинг биринчи яр­мида маҳаллий ҳокимликлар қарийб 85 мингта ҳужжат қа­бул қилган. Шундан 60 минг 749 таси, яъни 71,5 фоизи оқиқланган. Қолган 24 минг 241 та ҳужжат, яъни умумий ҳужжатларнинг 28,5 фоизи жамоат­чилик учун ёпиқ қолган.

Бир қарашда, қарорларнинг асосий қисми очиклангани ижобий кўрсат­кичдек туюлади. Аммо ҳар учта ҳуж­жатдан биттасининг жамоатчиликдан яширилиши масаланинг хавотирли томони борлигидан далолат беради. Агар ҳужжатлар мазмунини ва уларни ошкор қилмаслик сабаблари ҳақида аниқ тушунтириш берилмас экан, бу ҳолат жамоатчиликда турли шубҳа ва эътирозларни пайдо қилиши тайин.

Ҳудудлар ҳесимида аҳвол янада ташвишли. Навоий вилоятида ёпиқ

ҳужжатлар улуши 45 фоизга етган. Жиззах вилоятида эса бу кўрсаткич 24 фоизни ташкил этган. Бу рақамлар ай­рим ҳудудларда очиқлик масаласи та­содиқий камчиликдан тизимли муам­мога айланаётганини кўрсатади.

Коррупцияга қарши курашиш агентлиги таҳлилларида фойдалани­лиши қонун билан чекланган маълу­мотлар мавжуд бўлмаган 692 та молия­вий ҳужжат асоссиз равишда ёпиқ қол­дирилгани аниқланган. Уларда жами 1,5 триллион сўмдан зиёд маблағ аж­ратилиши назарда тутилган.

Шундан:

- 861,3 миллиард сўм қурилиш ишларига;
- 296,5 миллиард сўм товар ва хизматлар харидига;
- 56 миллиард сўм байрам тад­бирлари ва совғаларга;
- 10,7 миллиард сўм хизмат са­фарлари ва меҳмонларни қабул қи­лишга йўналтирилган.

Гап биргина платформада кўрин­май қолган ҳужжатлар ҳақида кета­ётгани йўқ. Ушбу маблағлар ортида қуриладиган объект, танланадиган пудратчи, харид қилинадиган товар ва сарфланадиган халқ пули турибди.

Қурилишга юзлаб миллиард сўм ажратилса, аҳоли маблағ қайси объ-

1	✓	Ushbu hujjat mazmunida shaxsga doir ma'lumotlar, vasiylik va homiylik yoki amaldagi qonunchilikka muvofiq boshqa turdagi foydalanishi cheklangan axborot mavjudligi tufayli yashirilgan.	XDFU	Hokim qarori	Yashirilgan	Toshkent shahar hokimligi	S16-14-0-Q/25	18.07.2025
2	✓	Ushbu hujjat mazmunida shaxsga doir ma'lumotlar, vasiylik va homiylik yoki amaldagi qonunchilikka muvofiq boshqa turdagi foydalanishi cheklangan axborot mavjudligi tufayli yashirilgan.	XDFU	Hokim farmoyishi	Yashirilgan	Toshkent shahar hokimligi	159-14-0-F/25	18.07.2025
3	✓	Ushbu hujjat mazmunida shaxsga doir ma'lumotlar, vasiylik va homiylik yoki amaldagi qonunchilikka muvofiq boshqa turdagi foydalanishi cheklangan axborot mavjudligi tufayli yashirilgan.	XDFU	Hokim qarori	Yashirilgan	Toshkent shahar hokimligi	S15-14-0-Q/25	18.07.2025
4	✓	Ushbu hujjat mazmunida shaxsga doir ma'lumotlar, vasiylik va homiylik yoki amaldagi qonunchilikka muvofiq boshqa turdagi foydalanishi cheklangan axborot mavjudligi tufayli yashirilgan.		Hokim qarori	Yashirilgan	Toshkent shahar hokimligi	S14-14-0-Q/25	18.07.2025
5	✓	Ushbu hujjat mazmunida shaxsga doir ma'lumotlar, vasiylik va homiylik yoki amaldagi qonunchilikka muvofiq boshqa turdagi foydalanishi cheklangan axborot mavjudligi tufayli yashirilgan.	XDFU	Hokim farmoyishi	Yashirilgan	Toshkent shahar hokimligi	158-14-0-F/25	17.07.2025
6	✓	Ushbu hujjat mazmunida shaxsga doir ma'lumotlar, vasiylik va homiylik yoki amaldagi qonunchilikka muvofiq boshqa turdagi foydalanishi cheklangan axborot mavjudligi tufayli yashirilgan.		Hokim qarori	Yashirilgan	Toshkent shahar hokimligi	S13-14-0-Q/25	17.07.2025

ектга, қайси пудратчига ва қандай тартиб асосида берилганини би­лишга ҳақли. Товар ва хизматлар ха­риди, байрамлар, совғалар ҳамда хиз­мат сафарлари учун ажратиладиган маблағлар ҳам жамоатчилик назора­тидан четда қолмаслиги керак.

Зеро, очиқ маълумотлар давлат органлари фаолияти устидан жамо­атчилик назоратини кучайтиради, бюджет маблағларининг манзилли сарфланишига хизмат қилади ва кор­рупция хавфини камайтиради.

Бюджет маблағи ажратилишига оид қарорларда маблағ миқдори, мақ­сади, олувчи ташкилот, пудратчи, ха­рид усули ва ижро муддатни очик кўр­сатилиши лозим. Ҳудудлар бўйича очиқ ва ёпиқ қарорлар улушини акс эттирувчи доимий рейтинг ҳам ҳо­кимликлар масъулиятини оширган бўлар эди.

Давлат маблағи – халқнинг пули. Солиқ тўловчи фуқаро унинг қаерга ва қандай сарфланаётганини куза­тиш, савол бериш ва ҳисоб талаб қилиш ҳуқуқига ҳам эга. Халқ пули сарфланаётган жойда асоссиз ёпиқ­ликка ўрин қолмаслиги керак!

Анваржон ҲАЛИМОВ
«ISHONCH»

4

Агарда сен ҳам ақлли кишиларнинг сафида бўлгинг келса, ҳар куни бир марта, ё ҳафтада бир марта, ҳеч бўлмаса ойда бир марта ўзингга ўзинг ҳисоб бер!

Абай

Бугуннинг гапи

УЧИНЧИ РЕНЕССАНС МАЪРИФАТДАН БОШЛАНАДИ

Шу йилнинг 7-11 июль кунлари Тошкент, Самарқанд ва Термиз шаҳарларида Биринчи халқаро ислом цивилизацияси форуми ўтказилди. Элликка яқин мамлакатдан 300 нафарга яқин вазир, муфтий, олим, уламо, давлат ва жамоат ар-боблари ҳамда халқаро ташкилотлар раҳбарларини бир майдонга жамлаган анжуман Ўзбекистоннинг маърифат ва цивилизациялар мулоқоти борасидаги ташаббусларини яна бир бор дунёга намойён этди.

Форум Президент Шавкат Мирзиёевнинг БМТ Бош Ассамблеяси 72-сессиясида илгари сурган ислом динининг асл инсонпарварлик моҳиятини жаҳон жамоатчилигига етказиш, муқаддас динимизни ўз-ара билан ва жаҳолат билан тенглаштиришга қаратилган уринишларга маърифат билан жавоб бериш ғоясининг амалий ифодаси бўлди.

Анжуман доирасида Самарқанд шаҳрида ўтказилган «Имом Мотуридий мероси: мўътадиллик, бағрикенглик ва илм-маърифат пойдевори» мавзусидаги халқаро конференция алоҳида аҳамият касб этди. Унда буюк мутакаллим меросининг тарихий аҳамияти билан бирга, бугунги мураккаб мафқуравий жараёнлардаги ўрни ҳам аърофлича муҳокама қилинди.

Бугун диний экстремизм, радикализм, мутаассиблик, ахборот хуружлари ва турли мафқуравий таҳдидлар жамиятлар барқарорлигига жиддий хавф соляпти. Бундай шароитда муаммога куч ишлатиш ёки маъмурий тақидлар билан жавоб беришнинг ўзи етарли эмас. Жаҳолатнинг илдизи тафаккурда экан, унга қарши кураш ҳам тафаккур ва маърифат майдонида олиб борилиши зарур. Имом Мотуридий таълимотининг аҳамияти ҳам шунда. У зот диний ҳақиқатни ағлашда ақлнинг ўрнини юксак баҳолаган, инсонни кўр-кўрона тақдиддан онгли эътиқод сари етаклаган. Мотуридийликда иймон тафаккурга қарши қўйилмайди. Ақл ва нақл ўртасидаги мувозанат, эътиқод ва масъулият уйғунлиги, мўътадиллик ва бағрикенглик унинг илмий мактабига хос асосий тамойиллардан ҳисобланади.

Шу боис Имом Мотуридийнинг илмий мероси бугунги кунда ҳам турли мафқуравий таҳдидларга қарши маърифий жавоб бера оладиган, жамиятда диний бағрикенглик ва ижтимоий барқарорликни мустаҳкамлашга хизмат қиладиган универсал интеллектуал мактабдир.



Конференция доирасида Имом Мотуридий меросига бағишланган халқаро танлов ғолиблари муносиб тақдирланди. Танлов Президентимизнинг ўтган йили март ойида қабул қилинган «Имом Мотуридий таваллудининг 1155 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида»ги қарорида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида ташкил қилинган эди. Ушбу танловда турли мамлакатларда фаолият юритаётган олимларнинг иштирок этиши мотуридийшуносликнинг илмий географияси тобора кенгайиб бораётганини кўрсатмоқда. Айни пайтда, бу ҳолат Мовароуннахр заминидида шаклланган мазкур таълимотнинг умуминсоний мазмунга эга эканини ҳам тасдиқлайди.

Анжуман якунида қабул қилинган Самарқанд декларацияси илмий муҳо-

камаларнинг амалий дастури сифатида алоҳида аҳамиятга эга. Хужжатда мотуридийлик таълимотининг тинчлик, бағрикенглик, мўътадиллик, ақл ва маърифатга таянган мустаҳкам ақидавий мактаб экани алоҳида эътироф этилди.

Декларацияда Имом Мотуридий меросини экстремизм, радикализм ва мутаассибликка қарши маърифий курашнинг таъсирчан омили сифатида кенг тарғиб қилиш, унинг илмий асосларини чуқур ўрганиш, Имом Мотуридий инновацион музейини ташкил этиш каби устувор вазифалар белгилан берилди.

Конференция иштирокчилари Ўзбекистонда амалга оширилаётган диний-маърифий ислохотлар ҳамда Учинчи Ренессанс ғоясини қўллаб-қувватлаб, жаҳон ҳамжамиятини Имом Мо-

туридийнинг бой илмий меросини ўрганиш, тарғиб этиш ва келажак авлодларга етказиш йўлидаги ҳамкорликни кенгайтиришга қаҳқирдилар.

Вир сўз билан айтганда, мазкур конференция Биринчи халқаро ислом цивилизацияси форумининг энг муҳим илмий-маърифий тадбирларидан бири сифатида мамлакатимизда амалга оширилаётган диний-маърифий соҳадаги сиёсат халқаро ҳамжамият томонидан кенг эътироф этилаётганини яна бир бор намойён қилди.

Биринчи халқаро ислом цивилизацияси форуми ва унинг доирасида ўтказилган мотуридийлик таълимотига бағишланган конференция тарихий хотира билан келажақни, миллий мерос билан глобал тараққиётни, илм билан маънавиятни ўзаро боғлаган муҳим тарихий воқеа сифатида баҳоланди. Шу асосда бошланадиган янги илмий ташаббуслар юртимизнинг халқаро гуманитар ҳамкорлик, маърифат дипломатияси ҳамда мотуридийшунослик соҳасида етакчилигини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади. Зеро, Имом Мотуридий мероси Янги Ўзбекистон барпо этаётган Учинчи Ренессанснинг маънавий-интеллектуал таянчи ва инсониятнинг тинч, барқарор ҳамда маърифатли келажагига хизмат қиладиган умуминсоний қадриятлар манбаи ҳамдир.

Комилжон ШЕРМУҲАМЕДОВ,
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори, доцент, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Имом Мотуридий халқаро илмий-тадқиқот маркази директори

Қарор ва ижро

Мазкур йўналишда Осиё минтақаси мамлакатларининг технологик ва рақамли инновацияларга асосланган реабилитация тажрибаси ҳам алоҳида эътиборга лойиқ. Жанубий Корея қамоқхона тизимида маҳкумларни замонвий касбларга йўналтириш ҳамда психологик реабилитация қилишда виртуал технологиялардан кенг фойдаланилади. Минтақанинг яна бир йирик мамлақати Япониянинг хусусий сектор билан ҳамкорликдаги модели ҳам ўз амарасини бермоқда.

Айтиш мумкинки, ана шундай глобал андозаларни ўзида намойён этган «Иккинчи имкон» миллий лойиҳаси 18 ёшдан 30 ёшгача бўлган маҳкумларнинг жамиятда ўз ўрнини топиши ҳамда муқим иш ўрнига эга бўлиши учун янги даврни бошлаб бермоқда.

Фаррух АМИРОВ,
Бухоро халқаро университетининг магистранти

«ИККИНЧИ ИМКОН» маҳкумларни фаол ҳаётга қайтариш йўлидаги муҳим қадам

Лойиҳа доирасида 1 июндан бошлаб Тошкент, Навоий ва Қашқадарё вилоятларидаги жазони ижро этиш муассасаларида амалий ишлар бошланиши белгиланди. Айни пайтда жазони ижро этиш муассасаларида 10 дан ортиқ касб-хуна турлари бўйича устоз-шогирд анъаналарига асосланиб, ёшларни касбга ўқитиш ва ишга тайёрлаш марказлари ташкил этилган, – дейди Ички ишлар вазирлиги жазони ижро этиш департаменти бошқарма бошлиғи Азиз Нурметов. – «Иккинчи имкон» лойиҳаси доирасида ҳам бир муассасада маҳкумларни ўқитиш учун 2 тадан синфхона ажратилди, улар барча зарур шарт-шароитлар билан таъминланади. Ушбу

хайрли лойиҳани юқори даражада амалга ошириш учун бугунги кунда давлат ташкилотлари ва вазирликлар билан ҳамкорликда иш олиб боришмоқда. Бир сўз билан айтганда, бу лойиҳа маҳкумларни фаол ҳаётга қайтариш йўлидаги муҳим қадамлардан бири бўлди.

Қайд этиш жоизки, ушбу лойиҳа жазони миқёсида синовдан ўтган, ўзининг ижобий самарасини кўрсатган барқарор реабилитацион тажрибаларга таянувчи ислохот ҳисобланади. Хусусан, Сингапур 2004 йилда ишлаб чиққан «Yellow Ribbon» лойиҳаси жаҳоннинг энг муваффақиятли реабилитация ислохотларида бири бўлиб, у бугунги кунда қўллаб-даватлар учун намуна вазифасини ўтамоқда. Лойиҳа

доирасида маҳкумлар жазони ўташ давридаёқ хорижий тиллар ҳамда АКТ йўналишларида ўқитилади. Бу эса ёш маҳкумлар овозликка чиққач, жамиятда ўз ўрнини топиши ва ишга жойлашишига катта ёрдам беради.

Шунингдек, АҚШнинг «UNICOR» дастури ҳам деярли бир асрлик муваффақиятли тарихга эга бўлиб, қамоқхона тизимида маҳкумларни меҳнатга жалб қилиш ва касб-хунарга ўргатишга қаратилган моделлардан биридир. Мазкур дастур маҳкумларнинг келажақда қайта жиноят содир этиш эҳтимолини 24 фоизга камайтирган бўлса, овозликка чиққан совик маҳкумларнинг қонунини ишга жойлаштириш даражасини 14 фоизга оширган.

Спорт



ПАРАСПОРТЧИЛАР ҒАЛАБАСИ ЭЪТИРОФ ЭТИЛДИ

Жорий йилнинг ўтган даврида жиззахлик парасузувчилар республика миқёсида уюштирилган мусобақаларда ўнга яқин совринли ўринларни қўлга киритишди. Шу муносабат билан Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерациясининг Жиззах вилояти кенгашида ғолиб спортчиларни тақдирлашга бағишланган тадбир уюштирилди.

Мазкур жараёнда кенгаш раиси Нусуратилла Пардаев парасузиш бўйича мамлакат чемпионатларида юқори натижаларга эришган Ҳасан Қаҳҳоров, Рустам Эгамов, Элдор Жўракулов ва Дилнура Муртазаевага совғалар топширди.

Алижон АБДУСАТТОРОВ
«ISHONCH»

КУЧЛИ ИШТИЁҚ ҒАЛАБАГА ЕТАКЛАДИ



Мустақиллигимизнинг 35 йиллиги байрами муносабати билан Металлургия ва машинасозлик саноати тармоқлари ходимлари касабаси Фарғона вилояти кенгаши томонидан ташкилот ва корхоналарда меҳнат қилаётган ишчи-ходимлар ўртасида анъанавий VII тармоқ спартакиадаси ўтказилди.

Айтиш керакки, мазкур мусобақа ишчи-ходимлар ўртасида соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, жисмоний тарбия ва спортга қизиқишни кучайтиришга хизмат қилди. Унда вилоятдаги корхона ва ташкилотларда меҳнат қилаётган 150 нафардан ортиқ ишчи-ходим иштирок этди. Қатнашчилар футбол, стол тенниси, сузиш, шахмат, шашка ҳамда дартс бўйича ўз маҳоратини намоийиш этиб, ғолибликлар етдиб, келишди.

Ҳар бир беллашув курашларга бой бўлди. Ғолиб бўлиш учун кимгадир бироз аниқлик, баъзи жамоаларга вақт озлик қилди. Финалга эса энг муносиблар етиб келишди.

Табиат қўйнида ташкил этилган мусобақалар иштирокчиларда унутилмас таассурот қолдирди, – дейди Металлургия ва машинасозлик саноати тармоқлари ходимлари касабаси

уюшмаси Фарғона вилояти кенгаши раиси Тоиржон Ҳомидов. Мусобақа давомида янги спорт иқтидорлари ҳам кашф этилди. Хусусан, «Авто ойна» корхонаси ходими Зулайхо Зубайдуллаева аёллар ўртасида ўтказилган стол тенниси бўйича мусобақада ўз маҳорати ва эпчиллигини намоийиш этиб, биринчи ўринни қўлга киритди.

Бетақдор табиат бағрида спорт билан шуғулланиш, ҳамкасблар билан самимий мулоқот қилиш ва мазмунли хордиқ чиқариш барчамизга ёқди, – дейди Зулайхо Зубайдуллаева. – Муҳими, касабаси уюшмаларининг меҳнаткашларга қаратаётган эътибори ва ғамхўрлигини яна бир бор ҳис қилдик.

Мусобақа якунида ғолиб ва фаол иштирокчилар тармоқ касабаси уюшмаси томонидан эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

Жамшид ЭРҒАШЕВ
«ISHONCH»

Эълон

Ўзбекистон миллий телерадиокорпорацияси томонидан «O'zbekiston 24» jodiy birlashmasi» давлат муассасасининг «O'zbekiston 24 teleradiokanal» сиёсий шарҳловчиси Ўроғлиев Элёр Рўзиқуллович номига берилган 5664-сонли гувохнома йўқолганлиги сабабли 2026 йил 28 июндан беқор қилинади.

Ўзбекистон соғлиқни сақлаш ходимлари касабаси уюшмаси Республика кенгаши жамоаси кенгашининг Тошкент шаҳар бўйича меҳнат техник инспектори Жасур Жалиловга турмуш ўртоғи **Ситора ЖАЛИЛОВА**нинг вафоти муносабати билан ҳамдардик билдиради.

Марокли дам олинг, азиз газетхон!

Бекназар Дўстмухамедов ва Абдунаби Иброҳимов ижросида

«БОҒ АРО»

Бог аро қўйсанг қадам гул, гунча қолмай хандадир, Қоматингдин сарвилар ар-ар қадингга бандадур.

MUASSIS: O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi ISSN 2020-5002 2007-yil 11-yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 116-raqam bilan ro'yxatga olingan.	«Ishonch» va «Ishonch-Доверие» gazetalarini tahrir hay'ati: Qudratilla RAFIQOV (tahrir hay'ati raisi), Ulug'bek JALMENOVI, Anvar ABDUMUXTOROVI, Sayfulla AHMEDOV, Akmal SAIDOV, Ravshan BEDILOV, Qutlimurot SOBIROV, Suhrob RAFIQOV, Shoqosim SHOISLOMOV, Hamidulla PIRIMQULOV, Nodira G'OIYIBNAZAROVA, Anvar QULMURODOV (Bosh muharrirning birinchi o'rinbosari), Mehridin SHUKUROV (Mas'ul kotib – «Ishonch»), Valentina MARSENYAK (Mas'ul kotib – «Ishonch-Доверие») Bosh muharrir Husan ERMATOV «Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyatni nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.	Bo'limlar: Kasaba uyushmalari hayoti – (71) 256-64-69 Huquq va xalqaro hayot – (71) 256-52-89 Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport – (71) 256-82-79 Xatlar va muxbirlar bilan ishlash – (71) 256-85-43 Marketing va obuna – (71) 256-87-73 Hududlardagi muxbirlar: Qoraqalpog'iston Respublikasi – (+998-99) 889-98-20 Andijon viloyati – (+998-99) 889-90-23 Buxoro viloyati – (+998-99) 889-90-31 Navoiy viloyati – (+998-99) 500-05-12 Jizzax viloyati – (+998-94) 688-00-27 Namangan viloyati – (+998-93) 213-09-66 Samarqand viloyati – (+998-99) 889-90-26 Sirdaryo viloyati – (+998-99) 889-98-55 Surxondaryo viloyati – (+998-91) 193-19-70 Toshkent viloyati – (+998-99) 600-40-44 Farg'ona viloyati – (+998-99) 889-90-24 Xorazm viloyati – (+998-99) 889-98-01 Qashqadaryo viloyati – (+998-97) 705-08-93	Navbatchi muharrir: G'ulomjon MIRAHMEDOV Musahhihlar: Dilorom XUDOYBERGANOVA, Umida XUDOYBERGANOVA Sahifalovchi: Hasan ABDUJALILOV Bosishga topshirish vaqti – 02:00 Topshirildi – 02:40 Bahosi kelishilgan narxda Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.	Manzillimiz: 100165, Toshkent shahri, Buxoro ko'chasi, 24-uy. E-mail: ishonch1991@yandex.uz Nashr ko'rsatkichi: 133 Gazetaning poligrafik jihatdan sifatli chop etilishiga bosmaxona mas'ul. Gazetaning yetkazib berilishi uchun obunani rasmiylashtirgan tashkilot javobgar.	Umumiy adadi 35 006 ta Shundan: 6 521 nusxasi «Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasi – Toshkent shahri, Buyuk Taron ko'chasi, 41-uyda; 19 294 nusxasi «Erudit» MCHJ bosmaxonasi – Samarqand shahri, Spitamen ko'chasi, 270-uyda; 9 191 nusxasi «Poligraf-Press» MCHJ bosmaxonasi – Marg'ilon shahri, Turkiston ko'chasi, 236-«b» uyda chop etildi. Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taqob. Buyurtma: G-811 1 2 3 4 5 6
--	--	--	--	---	---